

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

О. ЮСУПОВ
Ҳ. ИКРОМОВА

**ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ
МАДАНИЯТ
УЙҒУНЛИГИ**

Юсупов О.

Диний ва дунёвий маданият уйғунлиги / О. Юсупов, Ҳ. Икромов; масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-263-6

Ушбу мўъжаз рисолада ёшларимизни дунёвий ва диний маданият уйғунлиги асосларидан хабардор қилишга қаратилган маълумотлар келтирилиб, тарихий хотира ва дунёвий-диний маърифат шаклланиши асосларидан баъзи бир лавҳалар ҳамда дунёвийлик асло даҳрийлик эмаслиги оммабоп тилда баён қилинган.

Рисола кенг китобхонлар оммаси (умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари, магистрлар ва малака ошириш тингловчилари)нинг бу борадаги тушунчаларини тўлдириш учун ёзилган.

УЎК: 316.74

КБК: 60.56

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

сиёсий фанлар доктори Қ. Қуранбоев

Т а қ р и з ч и л а р:

тарих фанлари доктори, профессор У. Уватов

фалсафа фанлари номзоди Б. Умаров

ИНСОН МАДАНИЯТИДАГИ УЙЎУНЛИКНИ

ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Тарихий таҳлил кўрсатадики, инсоннинг маданиятли шахс бўлиб шаклланишида жамиятда мавжуд анъаналар, урф-одат ва маросимларда намоён бўладиган қадриятлар объектив тараққиёт ва субъектив руҳиятнинг ифодаси сифатида намоён бўлиб, кишиларнинг ўзаро муносабатида, турмуш тарзи ва фаолиятида, юриш-туришида, **ахлоқи** ҳамда **одоби**да яққол кўзга ташланади.

Ахлоқ инсоннинг ички руҳий эътиқоди, **одоб** эса унинг амалда намоён бўлишидир. Турли урф-одатлар, маросимлар кишиларнинг кундалик турмуш тарзида, ахлоқий қадриятлар эса уларнинг юриш-туриши, ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Маънавий камолотни ўзида мужассамлаштирган инсон ҳам олий қадрият ҳисобланади. Инсоннинг ақл-идроқи ва амалий фаолияти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида ҳам қадриятлар намоён бўлади. Масалан, рассом кўлида қалам ушлагани учун эмас, балки тажрибада шаклланган билим ва истеъдод эгаси бўлгани учун буюк санъат асарларини ярата олади.

Инсон тирик мавжудот сифатида табиатнинг маҳсулидир. Лекин инсон сифатида у фақат жамиятда, одамлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар таъсирида шаклланади. Жамоадан ажралиб қолиш кишиларда худбинлик, жамиятдаги ҳукуқий, ахлоқий муносабатларни менсимаслик сингари ҳислатларни кучайтиради. Бинобарин, одамлар жамоаси ўртасидаги инсонпарварликка асосланган муносабатларнинг камол топиши ҳам жамият ва шахс камолотининг энг муҳим омилларидандир. Жумладан, ўзбеклардаги маҳалла-кўйчилик, кўни-кўшничилик, қариндош-уруғчилик, дўст-биродарлик одатларида одамлар ўртасидаги муносабатларни юксак инсонпарварлик асосида ташкил этишга имкон берадиган жиҳатлар кўпдир. Бундай муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар дунёдаги барча халқларда ҳам бор. Лекин улар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, шакл борасида турли-тумандир.

Ҳаттоки, кишиларнинг ёши, касби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар ҳам мавжуд. Инсон ҳаётининг турли давлари, фаолият соҳаларига назар ташлар эканмиз, бу соҳаларда ҳам эътиборга сазовор бўлган қадриятлар ва уларнинг мезонларига дуч келамиз. Масалан, чорвадор бепоён далаларни, деҳқон эса суғориш мумкин бўлган ерларни кўпроқ қадрлайди. Зеро, кишилар бирор ижтимоий, табиий нарсаси, ҳодисасига, кўпинча, ўз касб-ҳунари, манфаатларидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Қадрланган нарсасига қадрият бўлганидек қадрлашнинг ўзи ҳам қатор ижтимоий, иқтисодий, табиий омиллар билан белгиланади.

Кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат, саховат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади. Айтиш жоизки, барча динларнинг келиб чиқишига маълум тарихий давлардаги ижтимоий, сиёсий, ғоявий шароитлар, улар билан боғланган эҳтиёжлар сабаб бўлган. Шу боис, динларнинг келиб чиқишига асос бўлган сабабларни ижтимоий ҳаётнинг ўзидан изламоқ керак. Реал ҳаёт воқеалари, эҳтиёжлари илоҳийлаштирилганида, моҳияти, содир бўлиш сабаблари илоҳий кучларнинг иродаси билан боғлангандагина диний тус олади. Арабларнинг юриш-туриши, одоби ва ахлоқи, оилавий ва қабилавий муносабатлар борасидаги

кўплаб қадриятлари ислом динининг таркибий қисми бўлиб қолди. Умуминсоний, миллий, диний қадриятларнинг кўплари Қуръони каримда, ҳадисларда баён қилинган.

Ҳозирги пайтга келиб Ер юзи яхлит ахборот майдонига айланиб бормоқда. Ахборотни етказувчи уни ўзига мақбул тарзда узатади, ахборотни қабул қилувчи (фойдаланувчи) эса, уни ўзининг ақл-фаросати билан баҳолайди. Бундай вазиятда айнан ахборот олувчининг дунёқараши ва маънавияти, ғоявий етуқлиги ва мафкуравий иммунитети муҳим роль ўйнайди. Вазиятнинг мураккаблиги ахборот узатувчиларнинг айрим ҳолларда ҳолис эмаслиги, ғаразли мақсад ва тор манфаатлар йўлида янгиликларни тескари талқин қилиши билан боғлиқдир. Геостратегик мақсадларга эришиш учун баъзи сиёсий гуруҳлар инфор­мацион хуружлар ташкил этишдан ҳам тоймайди. Халқимиз бундай инфор­мацион хуружни 2005 йил Андижондаги террористик ҳаракатлар талқинида бошидан кечирди. Шу боисдан ҳам, муқаддас динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳам­лалардан, бўҳтон ва тухматлардан ҳимоя қилиш, асл моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тушунтириш лозим. Чунки баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Айниқса, ислом динини никоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни тузоғига илин­тириб, бош-кўзини айлан­тириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай но­жўя ҳаракатлар, аввало, муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса бутун ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини чуқур ан­глаб етишимиз зарур. Зеро, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини барча халқларни доимо яхшиликка ва эзгу ишларга чорлаб, юксак инсоний фази­латлар ривожланишига хизмат қилган.

Инсоний қадриятларга баҳо беришнинг бош мезони тарих сабоқлари, тажриба, ҳозирги давр ва истиқлолнинг талаблари, эҳтиёжларидир. Шунинг учун қадриятларга ақидапарастлик, кўр-кўрона сиғиниш йўли билан эмас, балки соғлом ақл, илм-фан ютуқлари, ижтимоий-маънавий тараққиёт талаблари ва имкониятларига асосланиб ёндашмоқ керак.

Мамлакатимизда мустақиллик қарор топгач, улуг аجدодларимизнинг табарруқ номларини тиклаш ҳамда уларнинг маънавий-маданий, диний-маърифий меросини ўрганиш бўйича кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Исл­ом Каримов таъкидлаганидек:

«Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуг меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳра­манд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан жой олишига шароит яратмоқдамиз».

Бунинг исботи сифатида 2007 йилнинг январида Исл­ом ҳамкорлиги ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри Исл­ом маданияти пойтахти деб эътироф этилганини мисол қилиш мумкин. Таъкидлаш зарурки, бундай эътироф бежиз эмас эди. Чунки мазкур ташкилот томонидан ҳар йили мусулмон мамлакатларининг муайян шаҳарларини бу каби номлашда ўша давлатнинг илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросларни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилиш, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришдаги хизматлари инобатга олинади. Бу эса биз учун ифтихор туйғуси билан катта ишончнинг белгиси ҳамдир.

Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган инсоний фази­латлари ичида бағрикенглигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Истиқлол туфайли диний бағрикенглик ҳам

халқимизнинг азалий қадриятларига ҳамоҳанг равишда ривож топиб, бошқа маданиятлар учун ибрат тимсолига айланди. Бугунги кунда эса мамлакатимизда динни маърифат билан ўрганиш, унинг халқ фаровонлиги ва тотувлигига хизмат қилишига эришилмоқда. **«Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга ҳурмат ва эътиқод – биз учун ўлмас қадриятдир»**, – деб таъкидлайди Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, ислом инсонларни эзгулик, бир-бирлари билан яхши муомалада бўлиш, тинчликка чақирувчи диндир. Қуръони Каримда **«Динда зўрлаш йўқдир»** дейилади. Демак, исломнинг ўзи бағрикенглик динидир. Шунингдек, бошқа динлар каби ислом дини ҳам тинчликка, ўзаро тотувликка чақиради. Шу боис, ислом дини ва унинг тарихини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланиб, бугунги кунда миллий ва диний қадриятларни ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш натижасида аجدодларимиз меросининг биз билмаган жиҳатлари кашф қилинмоқда.

ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ УЙҒУНЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Табиат ва жамиятдаги ўрни, аҳамияти, яратувчанлик моҳияти, олий мавжудот экани, ворисликнинг давомийлигини таъминлаши, барча ижобий ва фойдали ютуқларни сақлаши ҳамда тарғиб этиши каби хусусияти ва қобилияти туфайли инсон муқаддас ҳамда табарруқ қадрият ҳисобланади. **Инсон тарихнинг яратувчиси сифатида жамият тараққиётидаги узлуксизликни таъминлайди.** У ўз билими, тажрибаси, ютуқларини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиради, табиат ва жамиятни қайта қуради ҳамда такомиллаштиради. Аммо инсон табиати жуда мураккаб. Унда ҳайвоний ва илоҳий сифатлар мужассамлашган. Лекин инсон ҳайвон ҳам, фаришта ҳам эмас. Инсоний руҳ ва маънавият уни бошқа мавжудотлардан юқори даражага кўтаради. Шу боис, ёшлар онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда тарихий хотирани ва қадриятларни тиклаш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир ёшга миллат ўз тарихида бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, хатоларни такрорламаслик, эришилган ютуқларни сақлаб қолиш кераклигини англашиш муҳимдир.

Жаҳон тарихига назар ташласак, қалбида, юрагида миллий ифтихор ва ғурур ҳисси кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қанчалар буюк ишларни амалга оширганини кўрамиз. Урганчини босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган **Нажмиддин Кубронинг** қахрамонлиги, Чингизхон кўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган **Жалолиддин Мангубердининг** жанговар руҳида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган **Амир Темури** бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида маънавий жасорат буюк ва устувор аҳамият касб этади. Ўтган аср бошларида тарихимизнинг оғир,

мураккаб даврида майдонга чиққан **жадид боболаримиз**нинг фидойилиги замирида ҳам ана шундай жасорат намунаси мужассам эди.

Мустақиллик билан боғлиқ бўлган ватанпарварлик фақатгина тарихий ўтмишни чуқур англашдангина иборат эмас. Бу ўринда Ватанимиз олдида турган ҳозирги вазифалар ва уларни бажаришда жонбозлик, фидойилик намуналарини кўрсатиш аини муддаодир. Айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш кишиларда шахсий интилиш, ташаббускорлик, манфаатдорлик хислатларини ҳам кучайтирди. «Ўзинг учун ўл етим», деган ғоя асосида фаолият кўрсатиш ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин ҳозиргидек масъулиятли, тарихий бурилиш палласида шахсий манфаатдорлик кайфияти қанча кучаймасин, Ватан, истиқлол масалаларини сояда қолдириб бўлмайди. Она Ватан озод ривожланиб, жаҳон тараққиётининг юксак босқичларига кўтарилган тақдирдагина инсон ўз манфаати билан боғлиқ бўлган ишларни ҳам тез амалга ошириши мумкин.

Миллий қадриятлар ёшларнинг ижтимоий фаоллигига кучли таъсир кўрсатар экан, миллатлараро муносабатларга ўзига хос, мураккаб ва серқирра тизим сифатида қараш керак. Бу ўзига хослик куйидагилардан келиб чиқади:

Биринчидан, жамият миллий тузилишининг таркибий қисми ҳисобланган этносларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий эҳтиёж ва манфаатларини рўёбга чиқариш керак.

Иккинчидан, миллатлараро муносабатларда кечаётган жараёнларни тўғри баҳолаш ҳамда мавжуд муаммоларни ечишга қаратилган, комплекс характерга эга чора-тадбирларни ишлаб чиқишдек бир-бири билан боғлиқ вазифаларни мунтазам ҳал этиб бориш зарур.

Мустақиллик йилларида аҳоли онги, руҳияти ва миллатлараро муносабатлар соҳасида содир бўлган ижобий ўзгаришларни юртимизда миграция жараёнларининг барқарорлашганида ҳам кўриш мумкин. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Аввало, республикамиздаги кўп миллатлилика яратувчилик қудратига эга бўлган омил сифатида қаралганини кўрсатиш керак. Яхши эслаймизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолининг муайян қатламлари орасида эртанги кунга ишончсизлик, тўғрироғи, уни аниқ тасаввур қила олмаслик руҳи бор эди. Олиб борилган оқилона миллий сиёсат туфайли бугунги кунга келиб бундай безовталиikka тўла барҳам берилди. Мамлакатимизда миллатлараро тоғувликнинг ҳукмрон бўлишида республика аҳолиси таркибидаги умумий миқдори 10 фоизга яқинни ташкил этадиган, асрлар давомида ўзбек ва қорақалпоқлар билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келган тожик, қozoқ, қирғиз, туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. **«Бизнинг – тожик, туркман, қирғиз, қozoқ ва ўзбекларнинг тарихий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ, – деб ёзади И. Каримов, – халқимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади».**

Юқорида айтилганларни назарда тутиб, мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллариинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган институционал асосларни яратишга алоҳида эътибор берилди. Бунда биргина миллий-маданий марказлар фаолиятига кенг йўл очиб берилганини эшлаш кифоя. Улар ўзлари мансуб бўлган этноснинг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллатлараро муносабатларда уйғунликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар ўтказаятган тадбирлар, бир томондан, диаспора вакиллариини миллий тарих, урф-одат ва анъаналардан хабардор қилса, бошқа томондан, этник ўз-ўзини англашга таъсир қилиб, миллий бирликнинг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнамоқда. Мазкур ҳолат миллий

сиёсатимизнинг турли миллат ва элат вакиллариининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли, фаол иштирок этишини таъминлашга йўналтирилганини яна бир бор тасдиқлайди. Айни пайтда, амалга оширилган таҳлиллар ва реал воқелик мамлакатимизда этник муносабатларнинг тенг ҳуқуқийлик, ўзаро ҳурмат, ҳамкорликка асосланган ўзига хос ҳолати – **миллатлараро тотувликни** олий қадрият сифатида англаш қарор топгани ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Қадриятларга баҳо беришда жамият аъзоларининг умумий маънавий камолоти, ижтимоий, миллий онгнинг етуқлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Маънавий жиҳатдан етук шахс жамият, миллий, умуминсоний қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри баҳолаш имконига эгадир. Қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш кишиларнинг истиқбол вазифаларини тўғри тасаввур қила билиш имконияти билан ҳам боғлиқ. Жамият аъзоларида етук ижтимоий миллий онг бўлиши, маънавий камолотнинг юксак қадриятлари ривожланишнинг имкониятларини кучайтирувчи, ижтимоий ва тарбиявий самарадорлигини оширувчи омидир. Аммо шуни унутмаслик керакки, «**қадрият**» ва «**мерос**» тушунчалари ўзаро яқин бўлса ҳам улар бир хил маънони билдирмайди. Бошқача айтганда, қадрият ва мерос бир-бирига узвий боғлиқ бўлишига қарамай, ҳар қандай мерос қадрият бўла олмайди. Мерос тушунчасининг моҳияти қадриятга нисбатан кенгрок. Бундан ташқари, қадрият фақат ўтмишдан қолган меросгина эмас. Ҳозирги кун талаблари, янги шароит ва имкониятлар асосида шаклланаётган ижтимоий, маънавий, сиёсий ҳодисалар ҳам қадрият ҳисобланади. Қадриятлар моҳияти жиҳатидан **моддий** ва **маънавий** қадриятларга бўлинади.

Инсон кучи, ақли, заковати билан яратилган табиат гўзалликлари, меъморлик, санъат ва маданият асарлари барчаси моддий қадриятлар жумласига киради.

Ахлоқ, одоб, билим, урф, малака, иймон, инсоф ва бошқалар маънавий қадриятлар ҳисобланади.

Моддий ва маънавий қадриятлар бир-бири билан боғлиқдир. Қадриятларнинг моддий турига иқлим шароити, табиат гўзалликлари, миллий ва давлат аҳамиятига молик бўлган кўриқхоналар, табиатнинг инсон яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлари ҳам киради. Табиий муҳит шароити, имкониятлари инсон эҳтиёжлари, яшаш имкониятлари билан қадрият деб баҳоланади. Шу маънода олиб қараганда, табиат сарҳадларини қадрият деб қараш – унга маълум мақсад ва манфаат асосида ёндашаётган инсон томонидан берилган баҳо ҳисобланади. Табиатнинг инсон манфаати асосида ўзгартирилган, ўзлаштирилган қисми ҳам қадриятдир.

Ҳулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина (айниқса, ёшларимиз) инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

ДУНЁВИЙЛИК ДАҲРИЙЛИК ЭМАС

Биз тарихий бир даврда халқимиз ўз кучи, имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш жараёнида тинч-осойишта ҳаёт кечиришга киришдик. Бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини ҳаммамиз чуқур англаймиз. Бугунги кунда азалий кадриятларимизга суяниб, шу билан бир қаторда, тараққий этган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, жуда катта интилишлар билан яшаётганимизни бутун жаҳон эътироф этмоқда. Айнан истиқлол йилларида мамлакатимизда тарихий хотира ва улуғ аجدодларимизнинг табарруқ номларини тиклаш ҳамда уларнинг маънавий-маданий, диний-маърифий меросини ўрганиш бўйича кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, X–XI асрларда Мовароуннаҳрдаги Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент ўрта аср араб манбаларида Шош деб номланиб, тафсири, ҳадиси, фикҳ, тилшунослик илмларида кўплаб таниқли олимларни етиштириб берган. Ана шундай тарихий кент маркази бўлмиш муқаддас заминда интеллектуал ва ахлоқ томондан баркамол ёшларни тарбиялаш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан биридир. Бу борада дин ҳам ўзининг инсонларни эзгуликка ҳамда ўзаро мурувват ва ҳамжиҳатликка ундови билан жамиятимизни руҳий камолотга етиштирувчи омил бўлиб қолаверади.

Табиийки, хотира инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Чунки у туфайли онда нафақат ҳозирги пайтда, балки ўтмишда идрок қилинган нарсалар ва ҳодисалар, кечирилган ҳис-туйғулар, тасаввурлар ҳам акс этади. Хотирада тўшланган ҳамда сақланаётган кундалиқ ва илмий тажриба, билимлар кишилиқ ҳаёти давомида қўлланилади. Бу эса инсонда ижобий ва салбий тажрибалардан иборат хулосалар чиқара олиш малакасини шакллантиради, яъни тарихий хотира ривожланиб боради.

Тарихий хотиранинг субъектига кўра фарқланувчи ўзига хос шакли бу – **миллий тарихий хотира**дир. Аслида миллий тарихий хотира миллат маданиятининг асоси сифатида ўзида муҳим аҳамият ва қийматга эга бўлган ўтмиш тажрибасини муайян тасаввурлар, билимлар, кадриятлар кўринишида сақлайди ва зарур бўлган ҳолларда қайта тиклайди. Демак, у авлодларни бир-бирига боғловчи муҳим маънавий занжир вазифасини бажаради. Миллий тарихий хотиранинг шаклланишида турли омиллар, жумладан, дин ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан, диний маросим ва урф-одатлар каби элементлар миллий тарихий хотира ривожига асосий ўринни эгаллаган. Шунга кўра, дин ҳам тарихий хотира сингари ўтмиш ҳақидаги билимларни диний шаклда авлоддан-авлодга етказган. Чунки ҳамма замонларда дин жамиятнинг юксак ахлоқ меъёрларини белгилаб келган, кишиларни хатолардан огоҳ бўлиб, сабоқ чиқариб яшашга ундаган. Шу ўринда Юртбошимизнинг: **«Дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган, уларни поклаб юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам бериб келган. Баъзи вақтларда эса бунинг бирдан-бир чораси бўлган»**, – деган фикрларини келтириш ўринлидир.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом мусулмонларнинг онги, турмуш моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Мусулмон ҳуқуқшунослиги эса ислом динининг ўқ илдизи ва мағзи, ислом тараққиёти ва исломий ҳаёт тарзининг ғоят муҳим унсури ҳисобланади. Ислом дини ҳозирги Ўзбекистонга милодий VIII асрдан эътиборан ёйила бошлаган бўлиб, кейинги минг йилдан ортиқ давр мобайнида Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ҳукмрон дин бўлиб келган. XX асрнинг 20-

йиллари ўрталаридан то 90-йилларгача коммунистлар империяси томонидан амалга оширилган худосизлик ҳужумлари даврида ҳам ислом халқ онгида урф-одатлар шаклида яшаб келди.

Агар ўтмишга назар ташласак, фақат кучли диний эътиқод туфайлигина кишилар мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтганликларига ишонч ҳосил қиламиз. Диннинг миллат ҳаётидаги ана шундай юксак ўрни маълум даврларда ғаразли мақсадларга мос тарзда, унга нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқарганини ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан, Чор Россияси томонидан Туркистоннинг забт этилиши билан ерли халқни тарихий хотира, миллий хусусиятлардан маҳрум этишга қаратилган сиёсат юрита бошланган. Туркистонни забт этган рус генерали М. Черняевнинг подшога юборган махфий хатида билдирган фикрлари бундай сиёсатнинг ҳақиқий моҳиятини кўрсатиб беради: **«Бу ерда, – деб ёзган эди у, – ҳар қандай қўшинни тўзғитиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиш хотираси, ҳар қандай кучни ва миллатни енгган турклар ҳозир ҳам ўша хотиралари билан ҳар қандай ташаббусни синдира оладилар. Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгмаш кифоя эмас. Уларнинг хотираларини ҳам енгмоқ керак».**

Кўринадики, Чор Россияси юритган сиёсатни, шубҳасиз, миллат тарихий хотирасига қарши олиб борилган кураш, деб баҳолаш ҳам мумкин. Чунки у тарихий хотирада салмоқли ўринга эга бўлган диний қарашлар, билимларни саёзлаштириш, эътиқодни сусайтириш орқали миллатни маънавий озуқа, руҳий куч-қудрат манбаидан айиришдек мақсадга қаратилган эди.

Аслида, ўз мазмун-моҳиятига кўра миллий тарихий хотира миллий ғурурни, миллий руҳни кучайтиради ва аксинча, бу хусусиятларнинг йўқ қилиниши миллатни осонлик билан бўйсиндиришга имкон яратади. Шу жиҳатдан, мустамлакачилар миллатни ўтмишидан, маънавиятидан айириш орқали унинг тарихий хотирасини хиралаштиришга уринганлар. Бундай сиёсатни олиб боришда мадраса ва масжидларнинг мустамлакачилик тузуми учун ғоятда хавфли эканини пайкаган маъмурлар шундай йўл тутганлар:

биринчидан, ўлкадаги тарихий обидалар, масжид ва мадрасаларнинг қаровсиз қолиб вайрон бўлишига атайлаб йўл қўйиб бердилар. Бу миллатнинг тарихий хотирасига берилган кучли зарба бўлди. Уларнинг йўқотилиши маданият ёдгорлиги ҳақидаги тасаввурларнинг ўчиб кетиши, кейинги авлод вакиллариининг ўз тарихидан беҳабар бўлиб қолиши ва миллий тарихий хотирада кемтикликларни юзага келтирди;

иккинчидан, ўлка халқларини ўз тарихидан узоқлаштириш мақсадида Туркистон тарихига оид моддий ва маънавий ёдгорликлар йиғиб олиниб, Москва ва Санкт-Петербургга жўнатибди. Бугунги кунда Санкт-Петербургдаги Давлат оммавий кутубхонасида ўша даврда ташиб кетилган ва «Кауфман йиғмаси» номи остида сақланиб намойиш этилаётган жамғармада турли асрларда яратилган илм-фаннинг деярли барча соҳаларига тааллуқли бўлган, жумладан, диний-маърифий руҳдаги 150 дан ортиқ дурдона асарларни кўриш мумкин. Бу ҳаракат тарихий хотирада яна бир кемтикликни юзага келтирди ва кейинги авлодларнинг ўз ўтмишларидан кўра Россия тарихини яхши биладиган бўлишига олиб келди;

учинчидан, ислом динига яна бир кучли зарба бериш мақсадида вақф ислохотлари ўтказилди. Чунки вақфлар масжид ва мадрасаларнинг иқтисодий асосини ташкил этиб, улар бевосита ана шу вақф ерларидан келадиган даромадга таянган эди. Мустамлакачилар буни аниқлаган ҳолда, вақф мулкларини назоратга олганлар. Натижада, диний идоралар ва у ерларда хизмат қилаётган уламолар иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолдилар, бу эса уларнинг чор ҳукуматига қарам бўлиб қолишига олиб келди. Бу эса нафақат диний, балки чуқур дунёвий билимларни ҳам ўқитиб келган мадрасаларда таълим бериш жараёнининг сусайиб кетишига сабаб бўлди;

тўртинчидан, чор Россиясининг генерал-губернаторлик тизими дастлабки вақтларда «рўзанинг тугаши» ва ундан кейинги байрам, яъни Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари уезд бошлиқлари томонидан белгиланишини татбиқ этди. Бу билан ўзбек давлатчилигида асрлар давомида ҳукм суриб келган, «шариати паноҳ» деб қаралган шайхул-ислом лавозими тугатилди, дегани эди. Бу жамиятнинг етакчи зиёли қатлами бўлган уламоларнинг жамият ҳаётига таъсирининг муайян даражада чекланишига олиб келди;

бешинчидан, чор ҳукумати диний маросимларни ўтказишни ман этмаган бўлса-да, уларни ташкил этиш, ўтказиш ишларини қаттиқ назорат остига олди. Ҳаттоки, Маккага ҳаж қилишни «кўнгилсиз бир ҳол» деб қаради, бироқ уни манъ этишга ботина олмади.

Маълумки, диний маросимлар аксарият ҳолларда жамоа бўлиб, уюшган ҳолда ўтказилади. Лекин чор ҳукумати бундан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун ҳам бундай маросимларни қаттиқ назорат қилиш орқали халқнинг жипслашуви, жамоавийлик, «миллийлик» туйғусининг ўсишига йўл бермасликка интилди.

Юқоридаги каби ҳаракатлар билан бир қаторда мустамлакачилар халқ қалбига кўрқув солиб, уни бўйсундиришга, ўзлигидан маҳрум қилишга интилдилар. Бу эса, ўз навбатида, халқ вакилларида мустамлакачиларга нисбатан нафрат уйғотди ва халқ кўзғолонлари юзага кела бошлади. Гарчи кўзғолонлар шафқатсизларча бостирилган бўлса-да, халқ ўз тарихий хотираси, қолаверса, динга бўлган ишончи билан оғир кунларни енгиб ўта олди. Ислом динининг ўлка халқлари қонига чуқур сингиб кетганини англаган генерал-губернатор С. Духовский «нодон ва эҳтиросли осиеликлар учун ислом ҳамон кучли таъсир қилиши» ва бу таъсир ҳали узоқ давом этишини тан олишга мажбур бўлган эди.

1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин Чор Россияси давридаги динга нисбатан юритилган сиёсат советлар ҳокимияти даврида янада кескинлашди. Бу йиллар тарихда атеистик ҳаракатнинг кучайиши, деб баҳоланади. Динга синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилди ва диндан холи жамият барпо этиш мақсадида жанговар атеизм сиёсати олиб борилди. Дин табиат ва жамиятдаги реал муносабатларни бузиб кўрсатадиган, уларга уйдирма сифатлар ва хусусиятларни берадиган, кишиларни дунёни билиш ва уни ўзгартиришдан чалғитадиган, инсоннинг табиий ва ижтимоий кучларга тобелигини мустаҳкамлайдиган ҳодиса сифатида баҳоланди. Динни социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган, эски, қолоқ, реакцион таълимот деб баҳолаш орқали унинг асл инсонпарварлик ва бунёдкорлик моҳияти, жамият ва миллат ҳаётидаги ўрни, аҳамияти инкор этилди. Бундан ташқари, партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги миллатларнинг янги шаклда давом этаётган мустамлакачилик зулмига қарши курашдаги раҳнамоси, деган қатъий фикр мавжуд эди. Шундай ҳулосаларга таянган ҳолда ҳукумат динга ва руҳонийларга қарши очикдан-очик кескин кураш олиб борди.

Бу давр сиёсати миллатни маънавий, руҳий озуқа манбаи бўлган диндан, сабоқ оладиган ўтмишидан айириш орқали тарихнинг миллат тарбиячиси сифатидаги ролини йўқ қилиш, миллий ғурурини синдириш, халқни мутеликка кўнктириш, қолаверса, миллатни тарихий хотирасидан маҳрум этишга қаратилган эди. Аммо бундай тажовузкор сиёсатга қарамасдан, дин халқнинг маънавий озуқа манбаи бўлиб қолаверди.

Фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дин, виждон ва эътиқод эркинлиги юзага чикди. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин – бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўللardan узоқ юришга, яхши бўлишга-ю, яхши из қолдиришга ундаб туради».**

Шукри, бугунги мамлакатимиз турли маданият ва динлар эмин-эркин мулоқот қиладиган юрт, диний бағрикенглик замини. Бу анъана кундан-кун такомил топиб келяпти. Унинг асосида халқимизнинг миллий қадриятлари ва илм-фан тараққий этгани ҳам тарихий ҳақиқат. Шу боис, буюк алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, ёшларимиз онгига миллий тарихий хотирани, жумладан, динимиз асослари орқали ҳам сингдиришимиз зарур.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ҳудудида диний таълимнинг 1917 йил тўнгаришигача бўлган даврдаги ҳолати бўйича тадқиқот, монография, асар ва мақолалар етарли даражада бўлгани ҳолда, шўро даври бўйича бундай тадқиқотлар деярли учрамайди. Мавжуд илмий изланишларда эса бирёқламалик, ноҳолислик устуворлик қилади. Хусусан, шўро даври муаллифлари асарларида ҳукуматнинг тазйиқ ва сиқувларини ҳаспўшлаш мақсадида диний таълимдаги воқеликни бузиб кўрсатишни бўрттириш ҳоллари учрайди. Ислоннинг «реакцион хусусияти» ва «қолдиқлари» ҳақидаги мазкур тадқиқотларнинг натижаларидан асосан атеистик тарғибот ишларида фойдаланилар эди. Ўзбекистондаги диний таълим тизими бўйича илмий изланишлар олиб бориш шўролар даврида хорижий тадқиқотчилар учун жуда мушкул иш бўлиб, аниқроғи ёпиқ мавзу эди. Манба ва маълумотлар танқислиги боис хорижда чоп этилган нашрлар умумий тавсифий хусусиятга эга бўлди, ҳолос. «Қайта куриш» давридаги тадқиқотларда эса асосий эътибор муаммонинг сиёсий жиҳатларига қаратилиши сезилди ва уларда диний таълим масаласи охириги ўринлардан бирини эгаллади.

Фақат истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ диёримизнинг барча фуқаролари ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатлангани, жумладан, 1991 йил 19 июнда ва 1998 йил 1 майда янги таҳрирдаги **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши юртимизда диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари билан бирга, давлат ва диннинг муносабатларини ҳам белгилаб берди.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта фуқароларнинг динга ўз муносабатларини, шунга мувофиқ равишда эътиқодини эркин белгилаш ва ифодалаш, динга ҳеч қандай тўсқинликсиз амал қилиш ва диний маросимларни бажариш ҳуқуқларини кафолатлайдиган қонун қабул қилинди. «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида», «Қурбон ҳайитини дам олиш кун, деб эълон қилиш тўғрисида», «Рамазон ҳайитини дам олиш кун, деб эълон қилиниши тўғрисида», «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида» ва бошқа бир қатор Президент Фармонлари бу соҳага катта эътибор берилаётганини кўрсатиб турибди. Бугун Ўзбекистон мусулмонлар идораси (ЎМИ) тасарруфидаги 10 та мадраса ва Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти самарали фаолият олиб бормоқда. Айнан мустақиллик диний таълим тизими ривожини учун маъно ва мазмун жиҳатдан тубдан фарқ қилувчи имконият яратиб берди. Ўқишга интилган талабалар сони ортиши билан бирга ўқув жараёнига ҳам ўзгартиришлар киритилган. Барча диний билим юртлари учун давлат таълим стандартлари билан мувофиқлаштирилган ўқув дастурлари тузилди, амалдаги қонунлар асосида дунёвий ва диний фанлар уйғунлиги таъминланди. Бугунги кунда диний таълим тизими соҳасида олиб борилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш, сифат ва савиясини янада ошириш, истиқбол режаларини белгилаш учун яқин ўтмиш тажрибасини тадқиқ ва таҳлил қилиш муҳимдир.

Дин асли нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умумий нуқтаи назар шуки, дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси эса инсониятнинг энг теран ва руҳий-маънавий эҳтиёжларидандир. Одатда, дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади. У одам, ҳаёт яратилишини тасаввур

қилишнинг алоҳида идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда асосий тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир.

Бу йўналишда тарихий воқеликка назар ташласак, таълим соҳасидаги ютуқлари Иккинчи жаҳон уруши натижасида яқсон бўлган ва нисбатан қисқа муддатда тараққий этган Япониядан, аҳолиси деярли бир миллиард 300 миллион бўлишига қарамай, ялпи ички маҳсулоти 1970 йиллардан бери йилига камида 8-12% ривожланиб бораётган Хитойдан, ислом қадриятлари билан фан ва тараққиётни уйғунлаштира олган Малайзиянинг тажрибасидан ўзига хос хусусиятларни ўрганиш ҳам муайян ижобий натижалар бериши табиий. Бундан ташқари, ҳам диний, ҳам дунёвий фанларни яхши тадқиқ этган америкаликларнинг миллий валютасида «Биз худога ишонамиз» деган ёзувни кўриш хайратланарли. АҚШнинг ҳозирги даражага етишида халқи диндан илҳомланганлигини ёдда тутиш зарар қилмайди. Шунинг учун ҳам соф ва мўътадил Ислом динини ўрганиш ва ўргатиш борасида мустақиллик туфайли яратилган кенг имкониятларнинг қадрига етишимиз лозим. Демак, айнан билим, тарихий таҳлил ижтимоий ва иқтисодий муаммоларимизни ечишнинг бирламчи воситасидир. Қуръони Каримнинг Пайғамбаримизга нозил этилган дастлабки оятларида ҳам айнан «Ўқи» хитоби уч мартаба зикр этилган.

Демак, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда миллий, дунёвий ва диний қадриятларнинг аҳамияти катта. Шунга кўра, исломни ниқоб қилиб, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатларининг олдини олиш, халқимиз ва ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм ҳатаридан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури» халқимиз, айниқса, ёшларнинг дин соҳасидаги билимларининг чуқурлашишига, имон-эътиқодли, илм-маърифатли, зиёли, ота-онаси, ёру биродарлари ва Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари янада жўш урган комил ва баркамол авлод сифатида вояга етишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизнинг деярли ҳар бир маҳалласида масжидлар очилди. Диний билимларни ўргатадиган мадрасалар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бироқ ўша даврларда мияси, онги коммунистик партия ғояларидан толиққан халқимизнинг диний билимлар борасида тушунчаси саёзлиги ҳам сезилиб қолди. Шундай бир пайтда ислом дини арконларини ҳар ким ўзича тушуниб, билганича талқин этди. Боз устига, ўзбек тилидаги диний адабиётлар ҳали унчалик етарли эмас эди. Шу шароитдан фойдаланиб, айрим масжид, хонадон ва хужраларда Қуръонни «ўргатадиган мулла»лар кўпая бошлади. Ана шундай бир муҳитда энди мустақилликка эришган халқимиз онгида пайдо бўлган диний мафкуравий бўшлиқни ўзининг жирканч ғоялари билан эгаллашга интилган ёвуз кучлар, мамлакатимизга суқилиб кира бошлаган турли диний-экстремистик гуруҳлар «мана ҳақиқий соф ислом», дея ғояларини ўз журналлари, варақалари, турли адабиётлар ва газеталари орқали кишилар, айниқса, ёшлар орасида тарғиб қилишни кучайтирди. Улар дастлаб ўзларини дин жонкуяри сифатида намоён этиб, сохта ғояларни ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлар миясига қуя бошлади. «Биз исломий давлат тузиб, ўрта асрга хос халифаликни тиклаймиз, ҳозирги мавжуд жамиятлар эса қуфрдан иборат», деган ғоя халқаро миқёсдаги диний экстремизмнинг вужудга келишига сабаб бўлганлигига ҳаммамиз шохидмиз. Тошкентдаги 1999 йил 16 февраль воқеалари, мамлакатимиз сарҳадларига бостириб киришга интилган диний экстремистларнинг ёвуз мақсадлари доимо бизни хушёр ва огоҳ бўлишга чақиради. Бу воқеалар жараёнида халқимизнинг иродаси яна бир бор тобланиди. Дин ниқобидаги кимсаларнинг асл башараси

намоён бўлди. Муҳими, динга оид мафкуравий ва ғоявий бўшлиқ қандай хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Шуниси қувонарлики, истиқлол йилларида миллий ва диний кадриятларимиз тобора кадр топиб, ҳаётимизга кириб келмоқда. Айниқса, диний таълимга давлат миқёсида эътибор қаратилиб, унинг ривожланиши йўлида ҳукуматимиз томонидан қарорлар қабул қилинаётир. Мазкур қарорлар маърифатпарвар олим Абдурауф Фитратнинг «Бир вақтлар мамлакатимиз маданият қуёшининг чиқиш жойи, маърифат дарёсининг манбаи сифатида танилган эди. Форобийлар, Бухорийлар, Абу Али ибн Синолар, Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон саҳнасига чиқарган эдилар», деган эътирофлари ҳамда бундай кунларни орзу қилган ниятларининг ижобати бўлса, ажаб эмас!

Зеро, истиқлолнинг улуғ неъматларидан бўлмиш Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши юртимиз тарихи зарварақларида олтин ҳарфлар билан муҳрланиб қолди. Ўрта Осиёда ягона бўлган бу масканда, ёшларга ҳам дунёвий, ҳам диний фанларни уйғунликда ўргатиб, аждодларимиз меросининг фалсафий, маънавий илдизларига таянган ҳолда, Президентимиз таъкидлаганидек, **«шу олий илм даргоҳида таҳсил кўрган, билим олган, тарбия топган ёшларимиз ичида, менинг фарзандларим орасида янги-янги бухорийлар, замахшарийлар, термизийлар, нақшбандийлар тайёрлаб чиқариш»** учун барча асослар етарлидир.

Хусусан, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда диншунослик фани асослари, муқаддас ислом дини тарихи ва фалсафаси, бу соҳанинг жамият ҳаёти ва ривожига аҳамиятини назарда тутиб, Тошкент ислом университетини битириб чиқаётган мутахассислар диний ва дунёвий билимлар ҳамда хорижий тилларни пухта эгаллаганлигини эътиборга олиб, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети битирувчиларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»**ги 347-қарори муҳим аҳамиятга молик. Шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда диний таълимни ривожлантириш мақсадида **«Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»**ги ҳукумат қарорига кўра, Ислом маъҳади ва ўрта махсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар бундан буён давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этиладиган бўлди. Мазкур дипломларга эга шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи ҳам берилди.

Дарҳақиқат, фан ва дин сиртдан бир-биридан фарқланади ва баъзан қарама-қаршидек бўлиб кўринса-да, аслида иккови ҳам бир мақсад – дунёни билишга хизмат қилади. Қизиғи шундаки, муқаддас китобларда **«тажриба»** (эксперимент) сўзи учрамайди. Табиий фан соҳасидаги дарсликларда эса **«этикод»** сўзи деярли ишлатилмайди. Ҳолбуки, бу сўзлар дин ва табиатни билишда ҳамда инсоннинг ўз-ўзини англаш жараёнида ишлатиладиган усулларни ўзида ифода этади. Аслида, этикод ҳақиқатга илм ва фан орқали етакловчи кўприқдир. Шахс эркинлиги масаласи эса исломда мутлақ адолат билан ҳал этилган. Аллоҳ Қуръон орқали инсониятга ҳидоят йўлини очик-ойдин кўрсатиб қўйган, яъни қайси амаллар инсоннинг юзини ёруғ, қадрини улуғ қилади, қайси амаллар инсонни тубанлаштириб, жаҳаннам сари етаклайди – ҳақ ва ботил йўлга аниқ таъриф, тафсир берилди. Танлаш ихтиёри инсоннинг ўзига

қолдирилди, комил китоб Қуръон, мукаммал дин ислом ўргатадики, эзгуликка холис эътиқод билан эришилади, мажбурлаш билан эмас.

Модомики шундай экан, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, бўҳтон ва тухматлардан ҳимоя қилиш, асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тушунтириш нихоятда муҳим вазифадир.

ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ МАДАНИЯТ

УЙЎНЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мустақилликка эришилгач, халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларини, аҳолининг руҳи ва кайфиятини ҳар томонлама ҳисобга олиб, бугунги кунда бутун дунёда **ўзбек модели** сифатида тан олинган таракқиёт модели Президентимиз томонидан ишлаб чиқилди. Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари давлатчилик асосларининг, миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, ўзликни англаш, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий менталитетимизга хос хусусиятларнинг тикланиши, демократик қадриятларнинг ривожлантирилиши ҳамда инсон ҳуқуқларининг кафолатланишида ўз аксини топмоқда. Ушбу моделни ҳаётга татбиқ этишда **тадрижий таракқиёт йўли** танлаб олинганининг натижалари – изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгилиниш ва ўзгаришлар дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Таъкидланганидек, халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамай, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги кунга етиб келишида унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси ҳал қилувчи роль ўйнаган. Зеро, ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча, тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Халқимиз бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисидир. Қадимий тарихимизни ҳар томонлама ўрганиб, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аجدодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб, жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган бекиёс куч айнан **маънавий жасорат туйғусидир**. Эзгулик йўлида тинимсиз ҳаракат қилиш, адолат, эрк туйғуси билан ўзини-ўзи сақлаб қолиш, наслини давом эттириш – бир томонда, иккинчи томонда эса – ҳукмронликка интилиш туйғулари доимо рақобатда яшайди. Одам шулардан бир йўналишни танлашга мажбур бўлади. Бу танлаш «виждон» тушунчасига тўғри келадики, у инсон маънавий саломатлигининг асоси бўлиб хизмат қилади. Модомики шундай экан, инсондаги ҳамма муаммоларнинг илдизи унинг дунёқараши ва ўз-ўзига нисбатан бўлган нотўғри муносабатидандир. Шу боис, инсоннинг маънавий юксакликка кўтарилишига имкон берадиган асосий амалларга риоя қилиш керак. Масалан, дуо ва ибодат қилиш одам руҳини поклаб, зарарли одат ва фикрлардан халос қилади, ўзидаги ёмон одатларни ташлашга ундайди, маънавий-ахлоқий қонуниятларга биноан яшашга ёрдам беради. Олам сирлари ҳақида фикр юритиш, дунёвий ҳамда диний китоблар мутолааси ҳам одамга ўз-ўзини библи

олишга, ўз тақдирини аниқлашга, ҳаётида энг асосий йўналишларни тезроқ ва равшан пайқаб етишга ундайди. Бундан ташқари, улуғ, ақлли кишилар билан суҳбатлашиш ҳам ҳаётда тўғри йўлни тезроқ топиш омили саналади.

Маълумки, ривожланган давлатлар университетларида академик эркинликка асосланган сифатли таълим, турфа фикрларга нисбатан тоқат ҳамда янгилик ва ижодкорликни рағбатлантириш муҳити шаклланган. Билим фақат қуруқ ёдлаш орқали эмас, балки муайян мавзу ва муаммоларга нисбатан эркин фикр билдириш, уни баҳс-мунозаралар синовидан ўтказиш билан эгалланади. Бу омил мамлакат иқтисоди, сиёсати, маданияти, маорифи, фан ва техникасини ҳаракатлантирувчи тараққиёт ғилдирагидир. Масалан, ўқитувчи дарсда сабоқ бераётган чоғида ўқувчиларнинг ўтилатган мавзуга оид шахсий фикрларини сўраши зарур. Улар дарс мавзуси бўйича фикр ёки эътироз билдириши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам ўз фикрларини исботлаб беришлари керак. Фанларни бундай услубда ўрганаётганда бетараф бўлиш мумкин эмас. Мазкур услубнинг афзаллиги шундаки, мавзу чуқур ўзлаштирилади, ўқувчининг фикрлаш доираси кенгайди, унинг нотиклик ва баҳслашиш малакаси ривожланади, энг муҳими – у шахсга айланади. Ўқувчилар муаллимларнинг кутган нарсаларини эмас, балки ўзларини ўйлантирган масалаларни сўзлашга рағбатлантирилиши лозим. Айнан шунинг учун ҳам ривожланган давлатлар турли ғояларга бой. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ўқувчи муайян мавзунини шубҳа остига қўювчи мулоҳазали саволни бера олиши ва унга бутунлай ўзгача назар билан ўзи жавоб беришга қодир бўлиши керак. Келажакда бундай таълим олганлар қуруқ тақлидчилар эмас, балки масаланинг туб илдизини олдиндан кўра биладиган ва уларга нисбатан прагматик ечимни топа оладиган фидойи фуқаролар қатламини вужудга келтиради. Шу жараён орқали адабиётда янги асар, иқтисодда – янги маҳсулот, фанда эса янги йўналишга асос солинади. Янги ва сифатли маҳсулот эса мамлакат иқтисоди ва халқ фаровонлиги манбаидир.

Айтиш жоизки, билимга ёки истаган касбга эришиш учун, аввало, уни ўрганишга қизиқиш керак. Қизиқиш ишончнинг шакллантиради, ишонч эса билимга етаклайди. Энг муҳими, талаба ҳеч ким кутмаган саволни ўзига бериши ва шу саволга унинг ўзи жавоб бера олиши даркор. Шу ҳолатларда янгилик яратилади. Бошқача қилиб айтганда, муайян соҳани чуқур ўрганиш давомида 4 нарсага аҳамият берилиши зарур:

Маълум соҳа олимларининг берган фикрлари тасдиқланади;

Инкор этилади;

Кўшимча қилинади;

Умуман тадқиқ этилмаган томони илгари сурилади.

Бунинг учун бизнинг ёшларимизда ҳам ўзига ишонч бўлиши лозим. Ўзига ишонч муваффақият гаровидир. Ўзини қобилятсиз, камситилган ҳис этиш хотирани заифлаштиради ва бошқа сурункали асаб хасталикларига олиб келади.

Иккинчи муаллим номи билан машҳур мутафаккир Абу Наср Форобий ирода ва одат ҳақида мушоҳада қилиб: «Ҳар бир инсонда фазилатли хатти-ҳаракатлар ёки разолатли феъл-атвор туғдирадиган истеъдод мавжуд бўлиб, у ҳар иккисидан бирини бажаришга қодирдир», – деб ёзган. Демак, айтиб ўтилган фикрга кўра, толиби илмдан олий мақсадларга етишиш учун ўз-ўзига ишонч ва қизиқувчанлик талаб қилинади. Шунингдек, ҳамма нарса пешонадан, деб ҳаракатсиз ўтириш мутлақо нотўғри. Талабалар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қила оладиган ишончга эга бўлишлари лозим. Шу билан бирга, олган барча билимларини келгусида амалда қўллай олиш даражасида бўлишлари шарт.

ХУЛОСА

Хўш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган давлат, фуқаролик жамияти қуриш сари бораётган эканмиз, қандай дунёқарашга асосланишимиз керак?

Ҳозирги ижтимоий муҳитда асосан икки йўналишдаги — илмий-фалсафий ва диний дунёқараш мавжудлиги аён. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, асосий Қомусимизда дунёвий давлат қуриш назарда тутилганлиги учун ҳам боғча, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва олий ўқув юртлари ҳамда бошқа маърифий муассасалардаги таълим-тарбия тизими фуқароларимизда илмий-фалсафий дунёқарашни шакллантиради ва шахс илоҳий руҳи жиҳатдан ҳам жамият манфаатини кўзлаб камол топаверади. Модомики, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга интилар эканмиз, бу йўлда миллий хусусиятларимизга хос ва мос дунёқарашга асосланишимиз лозим. Бинобарин, ҳар бир жамият таянадиган маънавий қадриятлар қанчалик умуминсоний мазмунга мойил бўлса, у шунчалик умрбоқийдир.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бу соҳада олиб борилаётган назарий ва амалий изланишларни кучайтириш, айниқса, Шарқ мутафаккирларининг илмий-назарий ғояларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, амалиётда улардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири, десак янглишмаймиз.

МУНДАРИЖА

Инсон маданиятидаги уйғунликни шакллантирувчи омиллар	3
Дунёвий ва диний уйғунликнинг ўзига хос хусусиятлари	8
Дунёвийлик дахрийлик эмас.....	13
Дунёвий ва диний маданият уйғунлигининг истикболлари.....	26
Хулоса.....	30

О. ЮСУПОВ, Ҳ. ИКРОМОВА

ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ МАДАНИЯТ УЙВУНЛИГИ

Тошкент «Маънавият» 2015

Мухаррир *О. Пардаев*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусахҳих *Ш. Ҳакимова*

Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Таймс
гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.
Буюртма № 15-42. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти босмахонасида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 05–15.